

Яхшиликнинг ниҳояси йўқ



09:00 / 04.06.2022 2981

Салим ибн Жобир Ҳужаймий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Менга васият қилинг!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дедилар:

- Аллоҳга тақво қилгин! Идишингдаги сувни бошқанинг идишига бўшатиб бериш, биродарингга очиқ юз билан гапириш каби бўлсада, яхшиликлардан бирор-бир ишни кичик санама. Изорингни осилтириб юришдан сақлан. У кибрдандир. Уни Аллоҳ яхши кўрмайди. Агар бир киши сени сендаги биладиган нарсаси ила айбласа сен уни ундаги биладиган нарсанг билан айблама. Уни ўз ҳолига қўй. Гуноҳи ўзига, ажри сенга бўлади. Ҳеч кимни сўкиб ҳақоратлама!

Яхшилиқни кичик ҳисобламанг. Сизни қайси амалингиз жаннатга олиб киришини билмайсиз!

Оддийгина мушук ўтиб кетиши учун машинангизни тўхтатиб туришингиз ҳам яхшилиқдир. Бир қарияни қўлидан тутиб йўлдан ўтказиб қўйишингиз ҳам яхшилиқдир. Ногирон инсоннинг ногиронлик аравачасини етаклашингиз ҳам яхшилиқдир. Кўчада ишлаб юрган ишчига бир идишчада сув беришингиз ҳам яхшилиқдир. Бир қарияга оғирлик қилиб турган юкини унинг қўлидан олишингиз ҳам яхшилиқдир. Бир эр-хотиннинг ўртасини яраштириб қўйишингиз ҳам яхшилиқдир. Хотинингизнинг айбларини кўрмасликка олишингиз ҳам яхшилиқдир. Фарзандларингизни кечиришингиз ҳам яхшилиқдир. Қўшнингизга бирор нарса ҳадя қилишингиз ҳам яхшилиқдир. Бир беморнинг даволаниши учун ёрдам беришингиз ҳам яхшилиқдир!

Яхшилиқнинг ниҳояси йўқ. Холиққа олиб борадиган йўлнинг сони халойиқнинг нафаси миқдоричадир. Олдида шунча кўп йўл бўла туриб ундан юрмаганлар нақадар бахтсиздир!

Ахлоқингиз учун инсонларни мезон қилиб олманг. Менга яхшилиқ қилса мен ҳам унга яхшилиқ қиламан, деманг. Агар ёмонликка ёмонлик билан жавоб бераверсак ёмонлик қачон тугайди?!

Дунёда бир ажиб хулқ бор. Унинг номи «ўзни баланд тутиш»дир. Ҳеч кимга сизни ўзининг ахлоқи даражасига туширишига рухсат берманг. Ҳар қандай жанжалга аралашаверманг. Олдингизда пайдо бўлиб қолган ҳар-бир урушга қатнашаверманг. Кундалик ҳаётимиздаги кўп жанжаллар арзимас мақсадлар учун бўлади. Унда ғалаба қозонсангизда, ғолиб бўла олмайсиз. Аммо мағлуб бўлсангиз мағлубият аламини тортасиз. Ўз ахлоқидан воз кечган киши билан тенглашиш учун биз ҳам ахлоқимиздан воз кечсак ундан нима фарқимиз қолади?!

Ақлли инсон ўзи учун баҳо деб фақатгина жаннатни билади. Жаннатга олиб бормаيدиган ҳар қандай муаммони қўйинг. Ана шунда натижа қандай бўлмасин сиз ғолиб бўласиз. Банда биродарини авф қилса Аллоҳ унинг иззати ва қудратини зиёда қилади!

Кунлар айланаверади. Охирида барибир ҳақ соҳиблари ғолиб бўлишади. Ботил эгалари мағлуб бўлишади. Бу нарса заминдаги Аллоҳнинг қонунидир. Юсуф алайҳис саломни қудуққа ташлаган қўллар куни келиб у кишидан егулик сўраб чўзилган эди!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни жинни, ёлғончи деганлар Фатҳ кунида раҳм қилишларини сўраб «Сен олийжаноб кишининг ўғли олийжаноб кишисан!», дейишган эди!

Абдулқодир Полвонов